



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Ҳордиқнинг  
завқу фойдасини  
чинакам чарчаб  
ишлаган одамгина  
билади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 24-aprel, shanba, 48 (23.484)-son

## Кўҳна кентда йирик бунёдкорлик амалга оширилади

Очилбой РАМАТОВ,  
Бош вазирнинг  
биринчи ўринбосари

Президентимиз 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятида бўлиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида жорий йилда амалга ошириладиган ишларни таҳлил этиш, бу ҳақда халққа мурожаат қилиш, муаммолари масалаларга ечим топиш мақсадида вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарлари ўн кун вилоятда иш олиб боришлари зарурлигини таъкидлади.



Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, уй-жой ва коммунал хўжалиги масалалари комплекси таркибига қирадиган вазирилик ва идоралар раҳбарлари айни кунларда туман ва шаҳарларда бўлиб, йил давомида амалга ошириладиган ишларни таҳлил қилмоқда.

Бугун бу ҳақда самарқандликларга мурожаат қилиб, айтмоқчиманки, комплексимиз таркибидagi вазирилик ва идоралар томонидан бевосита одамлар кайфиятига таъсир кўрсатадиган, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, кишлоқ ва маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш, йўлларни қуриш ва таъмирлаш, ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш, транспорт хизматларини ривожлантириш, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, барча объектларда қурилиш сифатини назорат қилиш, чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш ва қайта ишлаш каби муҳим тадбирлар бизнинг зиммамизга юклатилган.

Шулардан келиб чиқиб, аввало, вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида маҳаллалар кесимида мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқиб ва амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Ташриф давомида қайд этилганидек, шу йилнинг ўсида вилоятда 6 минг 654 хонадонли 150 дан ортиқ кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Масалан, давлат ипотека дастури доирасида 3 минг 444 та хонадонли кўп қаватли уй-жойлар, шунингдек, Паст Дарғом, Ургант, Пахтачи, Окдарё ва Булунгур туманларида ипотека кредит бериш тизими асосида 500 та яқка тартибда уй-жой қурилади. Тадбиркорлар томонидан 2 минг 710 та хонадонли кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилади.

915 та кишлоқ ва маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш бўйича жами 1 триллион 805 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. 692 миллиард сўм маблағ ҳисобига 856 та маҳалла ва кишлоқнинг 1 минг 188 километр узунликдаги автомобиль йўллари реконструкция қилинади ва таъмирланади. Бу 2020 йилга нисбатан 2 баробар

“**Ўн кун давомида Самарқанд шаҳрининг Қорасув, Ширин ва вокзалорти ҳудудларида замонавий турар жой мажмуалари барпо этиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари барча вазирликлар масъуллари ва мутахассислар билан жойига бориб, ўрганган ҳолда ишлаб чиқилади. Шундан сўнг бу ишларга жадал киришилади. Яъни, вокзалорти ҳудудига келгуси йилдан бошлаб, босқичма-босқич 3 мингга яқин эски, бир қаватли уйлар ўрнида 28 минг 500 хонадонли 474 та кўп қаватли уй қурилиши бошланади. Аммо йил якунигача Қорасув массивида 3 минг 500 та хонадонли 29 та 16 ва 25 қаватли уйлар қурилиши ташкил этилади.**”

кўпдир. 280 километр тупроқ йўлларга шағал ётқизилади, 760 километр йўллар асфальт-бетон қопламали йўлларга ўтказилади.

Этиборлиси, йил давомида 35 та кўприк қайта қурилади ва таъмирланади. Хусусан, Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесимасида янги тоннел, М-39 автомагистралдаги (Эшқак эшик канали олдида) монолит усулдаги янги йўл ўтказгич, Зарафшон дарёси устида Самарқанд шаҳрининг Ширин массиви билан боғловчи янги кўприк қурилади ва Бўстансарой кўчасида Сиёб канали устидан ўтган кўприк реконструкция қилинади.

**Дарвоқе, шуни ваъда ўрнида айтмоқчиман: шу йилнинг октябрь ойи ўрталаригача самарқандликларнинг минглаб эътирозларига сабаб бўлган, жайдари айтганда энсасини қотирган Рудакий кўчаси тўлиқ, коммуникация тармоқларида ҳеч қандай муаммоси бўлмаган тарзда фойдаланишга топширилади. Бу пайтгача кўприклар қурилади, йўллар кенгайтирилиб, асфальтланади ва албатта “Сиёб – Темирийўл” трамвай йўналиши қатнови қайта тикланади.**

Жорий йилда 210 та маҳалла ва кишлоқларда республика бюджетидан ажратилган 269 миллиард сўм маблағ ҳисобига 658 километр ичимлик сув тармоқлари тортилади ва 91 та сув иншоотлари қурилади. Натижада 214 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланади, 270 минг нафар аҳоли эски 57 минг оиланинг ичимлик сув таъминоти яхшиланади ҳамда таъминланиш даражаси 58 фоиздан 63 фоизга етказилади.

Инвестиция дастурига киритилган 130 та объектда республика бюджетидан ажратиладиган 1,5 триллион сўмлик маблағлар ҳисобига қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатли ва ўз муддатида бажарилиши таъминланади.

Транспорт қатнови бормаган 61 та маҳаллага тўлиқ транспорт ҳаракатланиши йўлга қўйилади, 11 та янги ички автобус йўналишлари очилади ва 366 та янги автобус ва микроавтобус олиб келиниб, йўналишларга қўйилади.

**Умуман олганда, комплексимиз таркибидagi вазирилик ва ташкилотлар томонидан жорий йил якунигача қадар вилотда 18 мингта янги иш ўринлари яратилиб, ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланади.**

Президентимиз вилоят фаоллари йиғилишида “Бош мақсадимиз одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шароитларни яратиш бўлиши керак”, деб алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда биз вилоятдаги қурилиш ишлари ҳажми, шаҳарлар, туман марказлари ҳамда кишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли арзон уй-жойлар қуриш, коммунал соҳа – ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш, йўллар қурилиши, транспорт хизмати, қўйингики барчасини сифатли амалга оширишни олдимизга мақсад қилганмиз. Насиб бўлса, йил якунигача аҳоли баҳраманд бўлади, яхши яшаш учун шароитлар, қулайликлар, имкониятлар яратилади.

Эл-юрти, Ватанига садоқатли, иймон-этиқоиди бутун, мард ва жасур фарзандлар жамиятнинг чинакам бойлиги. Юртимизда азалдан ана шундай фазилатларга эга ёшларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

## ЭЛ КОРИГА ЯРАГАНЛАР

ўз даврида ҳам, вақт ўтгандан кейин ҳам қадрланади

Балки шунинг учун Иккинчи жаҳон уруши йилларида диёримиз фарзандлари алоҳида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгандир. Зотан, уруш олови ўлкамиздан қанчалар олисда эканлигини кўпчилик ватандошларимиз яхши билган.


- Собик иттифок умумий уйимиз, деб онгимизга сингирилган даврлар эди, - дейди нарпайлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Зият Бўронов. - Ўша машъум 22 июндан кейин ҳар бир юртдошимизнинг ороми йўқолди. Бугун айтсангиз, эртатанга ўхшайди - йигитлар жангга отланди, ўқ ёмири остида урушни тугатишга киришди. Басма-бас жангоҳларга кетаётган норғул ўғлонлар, кўп ўтмай улاردан келган қора хат ёки айримларнинг номаълум бўлиб кетиши оналар ва вафода тенгсиз ёрларнинг дилига қайғу соларди. Ўша дамларда гўё кун ва тун қоришиб кетганди...

Ҳа, ўша давр воқеликлари ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан сабоқ чиқаришга ундайди. Жумладан, катта давлатлар ўртасида дунёни, улкан табиий ресурсларга бой ўлкаларни тақсимлаш “уйин”лари ҳали-ҳануз тингани йўқ. Ҳар бир тўнтарош, низо ва можаро ортида у ёки бу давлатни мутелликка қайтаришга интилиш ётибди.

Шунинг ўзиёқ маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи бугун янада долзарб аҳамият касб этаётганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам авваламбор, унинг-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

- Ёшлар маънавиятини юксалтиришда амалий мисоллар муҳим аҳамиятга эга, - дейди Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Фарҳод Назаров. - Шу маънода Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари босиб ўтган йўл ўғил-қизларимизга ҳақиқий ватанпарвар инсон қандай бўлишига мисол бўла олади.

Бу борада Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Иккин-



чи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатлар асосида вилоятимизнинг барча гўшасида уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, улarga алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда.

Ҳа, кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Хонадонларимиз файзи бўлган кексалар ҳолидан хабар олиш, оғирини енгил қилиш нафақат фарзандлик бурчимиз, балки жамият ишига айланади.

Айни пайтда вилоятимизда 28 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси умргуздорлик қилмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

- Шукрки, юртимиз тинч-осуда. Шу сабаб, хонадонларимиз файзли, обод, - дейди Иштихон тумани Шейхларкент маҳалласида яшовчи 98 ёшли Бердирмуҳаммад Аминов. - Уруш йилларидаги очарчилик, суронли кунлар, ўтмишнинг машаққатларини эсласам, бугунги фаровон турмушимизга кўз тегмасин, дейман. Биз, уруш фахрийларига давлатимиз раҳбарининг фармони билан пул мукофоти белгилангани инсон қадри, унинг меҳнати, фидойилиги юртимизда эътиборсиз қолмаслигига ёрдам мисол, деб ўйлайман. Туман ва вилоят мутасаддиларининг келиб хабар олиб тургани, ёшларнинг ғамхўрлиги кўнгилми тоғдек кўтармоқда.

Ё.ГАДОВЕВ.

## Паст Дарғомга бурғулаш техникаси келтирилди

Президент ташрифида билдирилган тақлифлар одамлар турмуш тарзида ўз аксини топади.

Туманда 353,2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 245,6 мингдан ортиги ёки 73 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 107 минг нафардан кўпроқ аҳоли эса муқобил манбалар орқали ичимлик сувидан фойдаланади.

Тўғри, марказлашган ичимлик суви билан таъминланган ҳудудлар сонини ошириш бўйича муайян чоралар кўрилоқда. Мисол учун, ўтган йили Зангибобой, Боғишамол ва Тоскултон маҳалласида янги сув иншооти қуришга бюджетдан қўшимча маблағ ажратилди. Натижада 650 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Аммо 25 фоиздан кўпроқ аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотида муаммо сақланиб қолмоқда.

- Агар бурғулаш техникаси бўлса маҳаллий бюджет имкониятлари билан барча маҳалларимизни ичимлик суви билан таъминлашимиз мумкин, - деди туман ҳокими Ш.Худойбердиев давлатимиз раҳбарининг Самарқандга ташрифи давомида вилоят фаоллари билан ўтказган йиғилишида.

Бундай омилкорликдан Президентнинг ҳам кайфияти кўтарилиб, давлат дастурларига қараб қолмайдиган бу тақлиф эртасигаёқ ҳал бўлишини билдирди.

- Дарҳақиқат, бир сутка ўтмасдан замонавий бурғулаш техникаси келтириб берилди, - дейди туман “Сувоқова” давлат унитар корхонаси бошлиғи Раҳим Одилов. - Бу билан йил якуни-

гача 40 га яқин маҳаллада янги сув иншооти ҳамда 80,2 километр тармоқ қуриш имконига эга бўлди.

Шу ўринда маълумот учун айтиш мумкинки, тегишли мутахассислар билан ўрганилиб, 4 та маҳаллада дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Йиғилишда давлат раҳбаридан бевосита ичимлик суви билан боғлиқ яна бир масалада ёрдам сўралди.

- Жума шаҳрида 6500 дан зиёд хонадонда 40 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, - деди тумандаги 28-сон ихтисослаштирилган мактаб интернати директори Зиёда Эшмуродова. - Шаҳримизда кўп қаватли уйлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари сони йил сайин ортиб борапти. Бу эса Жума шаҳрида канализация муаммосини келтириб чиқармоқда.

Бу масала ҳам ташрифдан сўнг тегишли мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари бўйича Жума шаҳарчасида 22,5 километр оқова тармоғи тортиш ва 1 та оқова сувларини тозалаш иншооти қуриш, Чархин шаҳарчасида 14 километр оқова тармоғи тортиш ва 1 та оқова сувларини тозалаш иншооти қуриш режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича қарийб 30 миллион долларлик лойиҳага халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш кўзда тутилган.

Дарвоқе, давлат раҳбарига қилинган мурожаат асосида жорий йилда Жума шаҳрида 15 та 5 қаватли (500 га яқин хонадон) уй-жой қурилишига рухсат берилди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.



Индаллосини айтганда...

Аҳмадҷон МЕЛИБОВЕВ,  
ЎЗМУ доценти:

- Матбуотга беписандликдан умрини журнал-листикага сарфлаган, сарфлаётган қалам аҳлига ҳурматсизлик келиб чиқади. Бугун «Газета-журналларнинг умри тугади» дейётганлар, борди-ю эртага бизда ҳам «Журналистлар керакми ўзи?» деган савол ўртага ташланса, кулоғига-гача коррупция ботқоғига ботган, ими-жимиди иш битирадиган, кўзбўямачилик қон-қонига сингиб кетган уздабуронлар, ўзини матбуотнинг химоячиси қилиб кўрсатишга уринаётганлар бош кўтариб, «Шарт эмас, ўзимизнинг матбуот хизматларимиз бор-ку, шунинг ўзи етарли» дейишлари аниқ.





Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги олдида

МИНБАРДАН ЕРГА ТУШГАН ИСТИЛОҲЛАР

Асосан Самарқанд вилояти билан боғлиқ хабарларни ёритувчи сайтими Zarnews.uzga «Самарқандда илк бор» деган жумлани қидирувга бердим. Эллика яқин, ҳатто ундан ҳам кўпроқ турли мавзудаги хабарлар экран юзидан намойиш бўла бошлади. Хабарларнинг барчаси турли мавзуларда бўлса-да, уларнинг умумийлиги битта: ушбу янгилик вилоятда илк бора амалга оширилмоқда. Келинг, баъзилари билан танишинг.

Самарқанд тарихида илк бор энг нозик аъзо – юрак операцияси ўтказилмоқда. Кейинги йилларда юрак қон-томир хасталиклари оқибатидаги ўлим кўрсаткичи умумий ўлимнинг 63 фоизини ташкил этади ва бу охириги 3 йилда 4,9 фоизга ошган. Операцияларнинг амалга ошиши натижасида бу кўрсаткич вилоятда кескин пасайиши кутилмоқда.

Мамлакатда илк бор Самарқандда монолит усулда кўприк қурилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги магистратурада таҳсил олаётган талабалар учун стипендия жорий этди.

Самарқандда илк бор қизилўнғач саратони бўйича мураккаб жарроҳлик операцияси амалга оширилди.

Вилоятда илк бор маҳаллий бюджетдан чин етимларга уй-жой учун маблағ ажратилди.

ЎХАЭТИМИЗНИ ЯХШИЛАЁТГАН «ИЛК» СИФАТЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Бу каби «илк бор...» жумлалари билан боғлиқ янгиликларни республика миқёсида қидирувга берганимда уларнинг саногиди адашиб кетдим. Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллардаги баъзи янгиликлар ҳаётимиз, турмуш тарзимизга аста-секинлик билан ўзгариш киритдики, уларнинг баъзилари ҳақида гапирмас бўлмас. Фактли янгиликлардан бугунги ахборот тезкорлиги даврида барчамиз сониялар ичида бохабар бўлиб, уларни осонгина ҳазм қилиб юборамиз. Гарчи, ушбу қисқа хабарлар ортдан юзлаб, минглаб инсонларнинг тақдири ижобий томонга ўзгарсада, улар фақат маълум бир тоифадаги инсонларга тегишли бўлгани учун ҳам кўп тарқалмади, унинг аҳамиятини ҳатто ўшаларнинг ўзи ҳам кези келганда англаб етмайди. Дейлик, вилоятдаги клиникалардан бирида, уйга яқин ҳудудда юрагиди илк бор операция ўтказган инсон бундан олдинги беморларнинг қанча машаққат чекканини, пойтахтга ё четга боришга мажбур бўлганини билмайди ва бу ҳолатни табиий қабул қилиб, ҳатто даволанишда нималардандир норози бўлиб кетишям мумкин. Ёки Мехрибонлик уйи битирувчиси янги уйда яшай бошлайди, аммо ундан олдин акалари шу уйга эришгани ҳақида ўйламайди. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси кеча илмий иш ёзиш учун молиявий жиҳатдан қанча қийналган, бугун уларнинг маоши бошқа соҳа ходимлариникидан кўра анча салмоқли экани ҳақида ҳам ўйлаб ўтирмас керак. Уларни бу ҳақда ўйлаб кўришларига ундамоқчи эмасмиз. Балки ахборот манбаларида «илк бор» сўзини ишлатмай тўхтатилган баъзи ҳолатлар, бевосита маълум бир касб эгалари, аммо билвосита бутун жамиятнинг муаммосига айланган «кампания»ларга чек қўйилгани, шу орқали нафақат у ёки бу тизим, балки кенг замири қатламнинг фаолияти ўзгарганини айтмоқчимиз.

ПАХТА ДАРМОНИМИЗМИДИ, ДАРДИМИЗ?

Совет иттифоқи даврида пахта кампанияси ғоявий мафкура орқали онгимизга шу қадар сингдирилдики, у бизнинг бебаҳо бойлигимиз, хазинамиз, бokuвчимиз ва ҳоказо сифатлар билан тафаккуримизни эгаллаб олди. Мустақиллик йилларида бу тушунча йўқолмади, таълим, тиббиёт ходимларининг пахта далаларига сафарбар этилиши ҳам тўхтамади. Бундай ҳолатда таълим тизими ҳам ўзи истагандай ишлаб олмайди, мактаб дарс вақтлари бўшлиққа улқотирилди. Шифохоналарда беморни қабул қиладиган шифокорлар топилмай қолди. Олий таълимда пахта билан боғлиқ қанчадан-қанча нохушликлар содир бўлди. Хуллас, пахта десак кимлардир аза очадиган, кимлардир хурсанд бўладиган (айнан таълим муассасалари, корхоналарнинг пахтага чиқари-

лиши ортдан коррупция ҳолатлари урчиб кетгани туфайли) паллалар эди. Бу ҳақда ёзилгани, айтилгани ҳаммаси самарасизлигича қолаверди. Яқинда эшитганим, бир факт билганларим ичида энг даҳшатлиси эди. «Тўғри, кейинги йилларда фарзанд асраб олувчилар сони кўпайиб, уларнинг навбати чўзилиб кетгани рост. Бу бевосита болалар уйда гўдақлар сони камайгани билан боғлиқ. Ғалати-роқ эшитилар сизга, лекин бир кичик ҳақиқатни айтаман. Ёшларнинг пахта теримига чиқмаслиги гўдақлар сонининг камайишига ҳам сабаб бўлди», дейди масъуллардан бири. Энг ташвишли, энг оғриқли, ай-тишга тил бормайдиган томони ҳам шу эмасида аслида. Бугун пахтани экишдан тортиб, унинг терими бошлангани ҳақидаги «долзарб» хабарлар аллақачон оммавий ахборот воситаларининг биринчи белгиларидан ўрин олмайди. Пахта ҳам ўзбекистонликлар етиштирадиган юзлаб ўсимликлар қаторидан ўрин олди, «олтин тахти»дан тушди.

ЎХАШАР БЎЛМАГАН «ЎХАШАР»

Йил ўн икки ой ўқитувчи-ю шифокорни кўчага олиб чиқадиган, ҳеч тугамайдиغان «ободлик» масаласи ҳам жамиятда зиёлиларнинг обрўйини анчагина тўкиб қўйди. Баъзи ўқитувчиларнинг айнан шу масалалар туфайли кўнлидаги аламлари узоқ йиллар уларни қийнади. - Мактабимизга яқин бўлган, шаҳар марказий кўчаларини су-пуриб-сидириш доимий ишимизга айланиб қолгани, - дейди Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилардан Виолета Расулова. - Бошида бироз уялиб чиққан бўлсак, кейинчалик бунга кўникиб ҳам қолдик. Ўқувчиларимиз, ота-оналар кўриб, хижолат бўлиб ҳам қолдик. Бир марта хорижлик сайёҳлар биз супуриб-сидираётган кўчадан ўтиб қолди. Қайсидир манзилни излашганини сездим. Инглиз тилидан дарс берганим учун уларга йўл кўрсатдим. Шунда улар ўқитувчиларимизни билиб, нега кўча супуриш билан машғулликимизга қизикди. «Ватанимизнинг ҳар қаричи обод бўлишини истаймиз, шунинг учун шаҳар тозаллигига ҳисса қўшамиз», деб кулиб жавоб бердим. Қулдим, лекин ичимда йиғладим, қадримга, касбимнинг хорлигига ачиндим. - Ўқитувчининг эл орасида обрўсиз бўлиши соҳага тасодифий одамларнинг кириб келишига замин яратди, - дейди ургутлик ўқитувчи. - Умуман, таълим тизимида муаллимнинг сунъий обрўсизлантирилиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаришини санаб ўтиш ҳам шарт эмас, назаримда. ЎБИЗНИ ЭШИТАПТИ! Жамоатчилик назорати, фикри каби тушунчалар бир неча ўн йиллаб минбарлар, йиғилишлар, анжуманларнинг бош мавзусига айланди. Ҳеч минбардан тушгиси келмади. Мана, бир неча йилдирки, аҳолининг жамиятдаги у ёки

бу ўзгаришларда бевосита иштирок этаётганига гувоҳ бўляпмиз. Аввалига бу иштирок асосан экология масалалари билан боғлиқ бўлди. Дейлик, дарахтларнинг кесилиши билан боғлиқ муаммолар ижтимоий тармоқларда кўп айтилган, бунга қарши жиддий киришилгани, тегишли ташкилотларнинг унга қарши курашда дадиллашганини ҳис қилдик. Қондабузарликлардан тортиб, у ёки бу соҳадаги интиминосизлик, масъулиятсизларнинг олиб чиқиши бошқармаларни ҳам янгина ишлашга ўргатаётгани сир эмас. Хабарингиз бор, яқинда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев аҳолининг норозилигига сабаб бўлган, шаҳардаги бир бинонинг бузилиши билан боғлиқ воқеадан сўнг тўғридан-тўғри шу ҳолат бўйича аҳоли билан мулоқотга чиқди. Бунинг ортдан ижтимоий тармоқларда турли талқинлар, фикрлар билдирилди. Аммо мазмун жиҳатидан бу жамоатчилик назорати ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган жуда муҳим қадам бўлди.

Бугун давлат дастурига киритилаётган кўплаб лойиҳа, вазифалар шунчаки эмас, қўйи идораларда меҳнат қилаётган ходимларнинг фикрлари ҳам инobatга олинаётган ҳолда амалга оширилаётгани ҳам яна бир марралардан бири. Жамоатчилик фикри билан ишлаш механизмининг намунасидир.


ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЭСКИ МУАММОЛАР ТЎСИҚ БЎЛМАЙДИ

Биз сезиб-сезмай ҳаётимизни ўзгартириб бораётган янгиликлар кам эмас. Ойда бир келмайдиган чиқинди ташиш машинасининг ҳар ҳафта келаётгани, бундай хизмат қишлоқларда ҳам иш бошлагани, кўча ободлиги учун ташкилотлар ходимлари эмас, ўз соҳасининг эгалари жавоб бераётгани, «тез ёрдам»нинг тезлашгани, одамларнинг муаммосини тинглаш шаклланаётгани, уларнинг ечимни изланаётгани, тест тизимидаги қаллобликларга чек қўйилгани каби ўнлаб янги эшиклар, ёруғликларнинг кириб келиши кундалик ҳаётимиздан, келажакимизга қадар дахл қиладиган ҳолатлардир. Эҳтимол, ўйламаганимиз ҳам маъқулдир, ахир биз Янги Ўзбекистон сари қадамларни дадил ташляпмиз. Бу қадамлар эса мамлакатимизнинг ёруғ келажакни кутиш эмас, уни ҳозир кўриш ҳисси билан сўғорилган. Гўлруҳ МЎМИНОВА, «Зарафшон» муҳбири.

2021 йил 11 мартда Президентимизнинг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга субсидиялар ажратилмоқда. Хўш, субсидия нима, кимларга берилади, уни олиш учун қандай маълумотлар тақдим қилиниши керак, қаерга мурожаат қилинади?

Шу каби саволларга жавоб олиш учун Самарқанд шаҳар ҳокимлиги фуқароларга субсидия ажратиш комиссияси котиби Наврўз АЛИБЕКОВга мурожаат қилдик. - Субсидия – даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ, - дейди Н.Алибеков. - Субсидиялар фақатгина ариза берувчининг рўйхатдан ўтган ҳудуди бўйича берилади. Бунда қишлоқ жойларда биринчи 5 йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига, шаҳарларда эса дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жой қийматининг 10 фоизи миқдориди маблағ тўланади. Ўтган йилги тартибда бошланғич 20 фоиз тўловнинг 10 фоизи давлат томонидан ва 10 фоизини фуқаро тўла-

ган ойлик иш ҳақи бор фуқарога 10 балл, 5,1 дан – 6 бараваригача 6 балл, 6,1 дан 6,5 гача бўлса 6-5 балл беради. Фуқаро энг катта бални кадастр идорасидан олади. Бунда эр-хотиннинг номида уй-жой бўлмаганда 20 балл қўйилади. Шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази давлат рўйхатидан ўтиб хорижга ишлашга кетган фуқароларга 10 балл беради, шаҳар ҳокимлиги эса етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум болалар бўлган аризада 10 балл беради. 30 ёшгача бўлган ва алоҳида намуна кўрсатаётган йигит-қизларга ёшлар иттифоқидан 10 балл берилади, шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими оғир ижтимоий вазиятга тушган аёлларга 10 балл, оилада ёлғиз боқувчи эркак ёки аёлга 9 балл беради. Тиббиёт бирлашмаси 3 категория бўйича, яъни аризачининг оиласида 1 гуруҳ ногирони бўлганда 10 балл, оилада сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи бўлса 10 балл, оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парваришлаётган аризада ҳам 10 балл беради.



Кимларга ва қай тартибда берилади?

ши лозим эди. Янги фармон билан бошланғич тўлов 15 фоизга туширилди ва унинг 10 фоизи давлат бюджетидан қопланади, 5 фоизини фуқаро тўлайди. Тошкент шаҳрида биринчи 5 йилда кредитнинг 12 фоиздан ошган қисмини, вилоятлар шаҳарларида 10 фоиздан ошган қисмини қоплаш учун тўланади. Бу турдаги субсидиялар фақатгина 18 ёшдан ошган, уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож оилаларга, оғир ижтимоий ҳолатдаги хотин-қизларга, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол ёшларга ва шу тоифадаги Ўзбекистон фуқароларига ажратилади.

Тизимда максимум 50 балл белгиланган 30 ва ундан юқори балл тўплаган фуқароларга субсидия ажратилади. Тизимга инсон омили аралашмайди, яъни ойлик маошлар тизимга киритилди ва табиий равишда тизим балл белгилайди. Солиқ органларидан балл олинмаган фуқароларга автоматик равишда рўйхатга олинмаслик ёки қайта топшириш деган хулоса чиқади. Агар фуқаронинг йиллик даромади 36 миллион сўмдан 58 миллион сўмгача бўлганда солиқ идорасидан балл берилади, ундан кам ёки ортиқ бўлганда ҳам балл берилмайди. Бундай фуқароларга субсидия ажратилмайди.

Қаерда ариза берилади ва қай тартибда кўриб чиқилади?

Субсидия олиш учун ариза Давлат хизматлари марказларида ёки my.gov.uz портали орқали электрон тарзда юборилади ва аризалар 10 иш куниди кўриб чиқилади. Фуқаро меҳнат мигранти бўлса, унинг номидан оила аъзолари ҳам ариза бериши мумкин. Субсидия ариза топширган ҳар бир талабгорга берилавермайди. Ижтимоий мезонлар асосида баҳоланган ариза берувчи 30 ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда талабгор сифатида тан олинди, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича субсидия олишга ҳақли, деб ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан янги дастур жорий этилган. Бунда масъул ташкилотлар вакилларидан шакллантирилган махсус комиссия тегишли мезонлар асосида ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққоний эканини баҳолайди. Жумладан, шаҳар ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси, бандликка кўмаклашиш маркази, кадастр корхонаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, ёшлар иттифоқи шаҳар (туман) кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси, молия бўлими, иштирок этувчи тижорат банклари масъул давлат ташкилотлари этиб белгиланган. Баҳолашда талабгор ва унинг оиласи даромади, турар жой мақоми, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, шунингдек, оилада ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар инobatга олинади.

Субсидия учун доимий рўйхат зарурми?

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Ипотека кредити механизми янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармонида асосан ҳар бир фуқаро яшаш ҳудуди бўйича туман ёки шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Давлат томонидан ажратилаётган пул маблағлари ҳам шунга қаратилган, яъни ҳар бир туман ёки шаҳар учун тақсимот бор ва белгиланган сўмага назорат кўриб чиқилади. Мисол учун, Самарқанд шаҳрида 960 нафар фуқародан ортиғига субсидия учун молиялаштирилмайди.

Ҳозиргача субсидия олиш учун 2544 та ариза тушди. 800 нафар аризада қайта топшириш учун рухсат берилди 630 фуқарога субсидия шартларида уй-жой ажратилди. Субсидия олиш учун паспорт, оила аъзоларининг паспорти, никоҳ гувоҳнома ва фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори ва оилавий ҳолати тўғрисида ФХДЭ органлари архивидан маълумотнома нусхаси талаб этилади. Шунингдек, доимий яшаш жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар, доимий яшаш жойидан уй дафтарининг ёки квартира қарточкасининг нусхаси, ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ҳамда ушлаб қолingan даромад солиқлари ҳақида маълумотнома зарур бўлади.

Ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун ариза бериш муддати 2021 йилнинг 1 октябригача. Бу муддат ўтганидан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади.

Самарқанд давлат архиви ташкил этилганига бир аср бўлди



Вилоят ёшлар марказида вилоят давлат архиви ташкил этилганлигининг юз йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда соҳа фахрийлари, шаҳар ва туман архивлари ходимлари иштирок этди. Тадбирда архив тарихи ҳамда унинг фаолияти, сақланаётган уч асрлик тарихий эслатувчи ҳужжатлар, қўлёзмалар, газеталар ҳақида маълумот берилди. “Узархив” агентлиги директори ўринбосари Хусан Исаев тадбир иштирокчиларига агентлик директорининг табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, тадбир давомида вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдували Маманазаров, вилоят давлат архиви директори Шавкат Мавлонов, тарихчи Бахтиёр Эргашев Самарқанд архиви тарихининг ўзига хос хусусиятлари ва унда ишлаган фахрийларни ёдга олди. Тадбир якунида бир гуруҳ ходимларга “Узархив” агентлигининг ташаккурномалари ва эсдалик совгалари топширилди. Хусан ЭЛТОЕВ.





Шукр

Шова узун сой. Фангатга тақалади. Йилнинг бир фасллари борки, кўржу чиройда бундан ўтар жой бўлмайд...

Домла Камолiddин Охун Олим ўғли (1865-1961) валий ўтган экан. Сағирлик билан катта бўлиб, иноят насиб олган экан...

Самарқанд математикларининг устози

Умри оқар сувга ўхшатишади. Агар тўғри йўналтирилса, сув борган манзилни обод қилади, нурга тўлдирани... чинакам инсоннинг умри ҳам шундай...



А.Солеев 4-курсда тахсил олаётган йили университетга Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг 27 ёшли профессори Александр Брюно маълум муддат маъруза ўқиш учун таклиф қилинди...

Шундан сўнг А.Солеев ўзи тахсил олган Самарқанд давлат университетининг математика факультетига қайтди. Оддий ўқитувчи сифатида иш бошлаган ёш олим тез орада кафедра доценти бўлди...

Эроннинг Техрон, Машҳад, Шероз, Нишопур шаҳарларида бўлиб, илмий ходимлар ва талабаларга алгебра ва дифференциал тенглалар назариясининг замонавий муаммоларидан маърузалар ўқиди...

Устоз Самарқанд давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори бўлсада раҳбарлик вазифаси билан бирга илмий ишларни ҳам давом эттирди. Шу

Мен ростимни айтдим: - Сахроий одамман. Ўз юртим маъқул, - дедим. Бу жавобим уларга маъқул келди, шекилли...

Домла Камолiddин Охун Олим ўғли (1865-1961) валий ўтган экан. Сағирлик билан катта бўлиб, иноят насиб олган экан...

Домла Камолiddиндан амаки на- бираси Махмуд бобо ўз қулоғи билан мана бу хикояни эшитган экан: "Мадрасани тамомлар чоғимизда катта синов бўлди. Унда Арабистондан, Маккаи Мукаррамадан олимлар иштирок эттишди...

эса Каттақўрғон туманидаги Андоқ қишлоғилик Абдужаббор Абдурахмон Махмуд ўғлида.

Домла Камолiddин хос шоғирдлари: - Урғутлик домла Шариф, - Қори Вали, - Баланг қишлоқлик Домла Исҳоқ, - Андоқлик Абдурахмон Махмуд эканлиги расман ҳақиқат эсада...

Улардан ташқари Пайариқ тумани Челақ қишлоғидан Домла Жўра, Хатирчининг Олтинсойдан Домла Муҳаммад-соли, Иштихонинг Орлотидан Темурхон тўра, Қўшратонинг Пичотидан Мўлла Облоқул Жиянбек ўғли, мойбўлоқлик Эшон Шерхон ҳам тарбия ва дуоларини олишган.

У зотдан ёзма мерос борлиги айтилади, ammo топилган эмас. Хурматларига Самарқанд шаҳрида жомеъ масжид қурилган.

\*\*\*

Шу зот бефарзанд ўтди. Аёли Бува-

тин момо билан аҳилликда ўтган умрлари ҳам элу халққа овоза бўлиб қолди.

Домла Камолiddин Фотима момони хурматлаб "Бувагин" деб атаган. Мъноси "биби отин" дегани экан. Чунки бу аёл ўз даврида илми пеш, даражаси улугъ экан...

Элдош оқсоқолларми, бўйинсаларими - ҳар қалай яхши ниятли яқинлари Домланинг кўнглига қўл солишибди: - Домла, умри хаёл ўтаберида.

Ёшингиз ҳам анча бўп қолди. Сизни яна уйлантирсак...

Домла кўп жим турибди. Кўзини ердан узмай, чўк тушиб, чукур халғга кираибди. Анча ўтиб, бошини кўтарибдида: - Куллукъ яхшилар! Яратган фарзанд бераман деса менга шу аёлдан берар эди. Мен у билан ўтдим, бошқа оввора бўлмаглар - дебди...

Кенг майдонга ястаниб ётган яйдоқ қабиристоннинг айнан бир буржидан кўрарган кўм-кўк қамишлар бежиз эмас. Ер юзи ҳикматга тўла.

Суюндик НУРОТОЙ.

Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тўбдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мувофиқ юридик коллежлар юридик техникум маконини олди.

ЮРИДИК

техникумларга қандай имкониятлар берилди?



Самарқанд вилояти юридик техникумида ҳам фармонга асосан 2020-2021 ўқув йилидан ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинди. Техникумга талабалар тест синовлари орқали қабул қилиниб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида кўшимча қабул тартиби жорий этилди...

Хозирда 400 га яқин талаба кундузи ва сиртки таълим йўналишларининг ўзбек ва рус гуруҳларида тахсил олмақда. Самарқанд юридик техникуми давлат-хуқуқий фаолият, суд-хуқуқий фаолият ва юридик хизмат фаолияти

йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Техникумда хуқуқий-хуқуқий фанлар, оммавий-хуқуқий фанлар, жиной-хуқуқий фанлар, умумқасбий фанлар кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда бир нафар профессор, тўрт нафар доцент, ўндан зиёд ўқитувчилар талабаларга таълим бериб келяпти.

Шунингдек, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам онлайн тарзида таълим жараёнига амалий жиҳатдан қўмак бермоқда. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университетининг юридик факультети билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, таълим жараёнига факультетнинг профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида юридик техникум суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан меморандумлар имзолаган.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб

юридик техникумлар битирувчилари Тошкент давлат юридик университетига ҳудудий адлия органларининг йўлланмалари бўйича кириш тест синовларисиз яқка тартибдаги сўхбат ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқишнинг тугашидан сўнг тақсимотга мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда киришга ҳақиқ ҳисобланади. Демак, техникум битирувчилари махсус йўланма асосида Тошкент давлат юридик университетининг 2-курсига сўхбат орқали ўқишга киради.

Олий таълимда ўқишни давом эттириш имкониятидан ташқари, техникумни битирган талаба юрист мутахассислиги бўйича белгиланган шаклдаги дипломини олиб, юридик соҳада меҳнат қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Акмалжон ҒУЛОМОВ, Самарқанд вилояти юридик техникуми доценти.

Таълим тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли 2021 йилдан бошлангич синфларда одобнома, юқори синфларда миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанлари ўрнига "Тарбия" фани ўтиля бошланди.

"Тарбия" фани ўқувчига нима беради?



"Тарбия" фани дарслиги ўқувчиларнинг ёшига мос ҳикоя, ривоят ва маънавият хазинасидан келтирилган намуналар билан бойитилган. Ҳар бир намуна расмлар орқали ифодаланганлиги болаларда мавзу доирасида тушунча ҳосил қилишга қўмақлашади ҳамда дарсга қизиқиш уйғотади.

Дарслиқда тарбиянинг барча турлари мисоллар орқали очиб берилган. "Тарбия" фани ўқувчига бугунги куннинг ривожланиш пойдевори ота-боболаримиз яратганлигини ва уни давом эттириш ўзи каби эши авлод қўлида эканлигини тушутиради.

Миллий қадрият, урф-одат, динимиз ва маданиятимиз ҳақида кенг тушунчалар беради. Одобли, билимдон, иймон-эътиқодли, меҳнатқаш фарзанд нафақат ота-онанинг, балки жамиятимизнинг ҳам бойлиги. Инсон тарбия жараёнида яхши хулқ-аъвоғлар, одатларга ва ақл-фаросат омилларига эга бўлган бўлса, ҳаёт сабақларини шунчалик яхши англайди ва яхши ишларни амалга оширади. Яхши тарбия бир соатлик ёки бир кунлик иш эмас. У тарбиячидан чида, матонат, катта билим ва тажриба талаб қилади.

М.РАШИДОВА, тарбия фани ўқитувчиси.

Китобсеварлар учун жамият ташкил этилди

Самарқанд шаҳридаги "Нуронийлар" марказида бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг ташаббуси билан ташкил этилган "Самарқанд вилояти Китобсеварлар кўнгли жамияти"нинг биринчи таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

- Ёши улугълар бундан бир неча йиллар илгари, собиқ шўролар тузуми даврида "Китобсеварлар жамияти" деган ташкилот бўлганлигини яхши эслайти, - дейди шоира Хосият Бобомуродова.

- Аммо у ташкилот фақат қоғозда мавжуд бўлиб, бадал йигиш билангина шугулланган. Биз ташкил қилаётган жамият фаолияти фуқароларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш бўйича таъсирчан механизmlарини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган. Шунингдек, жамият ноширлик, ахборот тарқатиш, китоб ярмаркалари ва кўргазмалар, танловлар ташкил этиш билан ҳам шугулланади.

Тадбирда янги жамият низоми тасдиқланди, ташаббус гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонқулов жамият ижрочи директори этиб сайланди.

Ёрмамат РУСТАМОВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПАНЛАР

26 АПРЕЛЬ Фарид ТУХФАТУЛЛИН - 1936 йилда Қорақалпоғистонда туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

27 АПРЕЛЬ Одил СУННАТОВ - 1951 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

30 АПРЕЛЬ Жаҳонгир ЗАЙНАЛОВ - 1950 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Иқтисод фанлари доктори, профессор.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2003 йил, январь

Вилоят маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми 87 миллиард 319,6 миллион сўм, харajatлар қисми 126 миллиард 510,4 миллион сўм қилиб белгиланди.

7 январь куни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевнинг қарорига кўра, Баҳодир Саъдуллаев Самарқанд тумани ҳокими этиб тайинланди.

Боғишамол тумани Янги ҳаёт маҳалласидан "Янги ҳаёт-Сибё бозор" йўналишида йўловчи транспорт хизмати йўлга қўйилди.

февраль

Самарқанд туманида чехиялик ишибилармонлар билан ҳамкорликда "Самарқанд-Парранда" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси, Тойлоқ туманида чорва ва парранда маҳсулотлари, тунука идишлар, қопқоқлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоклаш билан шугулланувчи "TONU GREEN" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

12 февраль куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Ориф Аллаёров Пахтачи тумани ҳокими этиб тайинланди.

Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо вазирининг ўринбосари Жоу Кжин бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Вилоят 1-сон бирлашган шифохонасида 50 ўринга мўлжалланган микрохирургия ва қон томirlари жарроҳлиги маркази иш бошлади.

28 февраль куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Дилбар Ёқубова "Самарқандский вестник" газетаси бош муҳаррири этиб тайинланди.

март

7 март куни Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер Самарқандда бўлди.

Урғут шаҳрида туркиялик ишибилармонлар билан ҳамкорликда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "URG-ANTEP-YASHAM" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

17 март куни Москва-Самарқанд йўналиши бўйича Россиянинг "Домодедовские линии" авиаконаниясининг "Ил-62-М" русумли йўловчи самолёти келтирилиб, ҳаво йўларидаги халқаро йўналиши яна биттага кўпайди.

апрель

Руминия Президенти Ион Илиеску бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Zarafshon Самарқандский вестник

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyatini mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuoti va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuoti va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 135 nusxada chop etildi. Buyurtma 296.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LOMLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonaga manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV. Navbatchi: Y. MARQAYEV. Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV. Sotuvda narxi keltirilgan holda

ISSN-201667X. 917720101667009